



**ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА  
ФАНИНИНГ МАҚСАДИ,  
ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

## РЕЖА

1

- Экологик экспертиза фанининг предмети, объекти ва тадқиқот методлари.

2

- Экологик экспертиза фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

3

- Экологик экспертиза фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Экологик экспертизанинг фан сифатида шаклланишининг объектив шарт-шароитлари инсоннинг хўжалик ва бошқа фаолиятлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг табиатга таъсирининг миқёслари ва салбий таъсирининг ошиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Ушбу фаннинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланиши зарурати кўп жihatдан мамлакат экологик сиёсатини самарали амалга ошириш билан узвий боғлиқдир.

1

• Экологик экспертиза фани табиатдан фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий экология фанлари туташган чегараларда ва экологик ҳуқуқ фани билан узвий боғлиқ ҳолда, уларнинг асосий тушунчалари

2

• Янги қонуниятлари, категориялари, концепцияларига асосланган ҳолда шаклланаётган ва ривожланиб бераётган фаннинг янги йўналиши ва соҳаси ҳисобланади.

3

• Экологик экспертиза ушбу фанларнинг назарий-амалиёт тадқиқотлари натижалари энг сўнгги ва янги ютуқларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтирилган назарий-амалий фанидир.

# ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ФАНИНИНГ МАҚСАДИ

1

- табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг асосий қонуниятларини билиш асосида экологик экспертизани ўтказишнинг муҳим эканлигини тушунтириш;

2

- экологик экспертизада табиат муҳофазаси тўғрисидаги ва экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш зарурлигини доимо ҳисобга олишга ўргатиш;

3

- экологик экспертиза ўтказишда атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарли ва асослигини аниқлаш принциплари, методлари ва йўллари билишга ва уларни амалиётда қўллашга ўргатиш;

## ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1

- табиат билан жамият ўзаро алоқаларининг экологик экспертиза йўналишини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш;

2

- экологик экспертизанинг Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш ва иқтисодиётни экологизациялаш йўналишларига ўтиши билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий масалаларининг ечимини топиш;

3

- экологик экспертиза объектларининг табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитга таъсирини ва экологик хавфлилик даражасини комплекс тахлил этиш;

4

- экологик экспертиза учун тақдим этилаётган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш;

5

- экологик экспертизани истиқболда ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий устиворлик ва иқтисодиётни экологизациялашга асосланган йўналишларини аниқлаш, уларни илмий асослаш ва ривожлантириш;

Экологик элспертизанинг предмети

```
graph TD; A[Экологик элспертизанинг предмети] --> B[Табиат ва жамият ўртасидаги экологик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар]; B --> C[Атроф табиий мухитни муҳофоза қилиш]; B --> D[Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш];
```


Табиат ва жамият ўртасидаги экологик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Атроф табиий  
мухитни муҳофоза  
қилиш

Табиий ресурслардан  
оқилона фойдаланиш

# Экологик экспертизанинг объектлари

Илова 2



# Экологик экспертизанинг субъектлари

Буюртмачи

Ўзбекистон  
Республикаси  
ТМҚДҚ  
Қорақолпоғистон  
Республикаси,  
Тошкент шаҳар,  
вилоятларни  
ТМҚДҚ  
бўлимлари

Пудратчи

Ўзбекистон  
Республикаси ФА  
илмий тадқиқот  
институтлари, Тармоқ  
институт ходимлари,  
гуруҳлар,  
яккашахслар

Истеъмолчи

Экологик  
экспертиза  
объектларини  
мулкӣ эгалари  
юридик ва  
жисмоний  
шахслар





# Экологикэкспертизанинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Табиий фанлар

Техника фанлар

Хуқуқий фанлар

Тиббий фанлар

Ижтимоий фанлар

## Умумий ва фанлараро принциплари

Инсоннинг ҳаёти  
ва саломатлигини  
устуворлиги

Жамиятнинг  
экологик-  
иқтисодий  
мақсадларини  
илмий асослаш

Табиат  
ресурслардан  
табиатнинг  
патенциал  
имкониятларни  
ҳисобга олган

Қонунҳужжатл  
ариталабларига  
қатъий амал  
қилиш

Муаммоларни  
ҳал этишда  
ошқораликка  
амал қилиш

Аҳоли ҳаёти,  
меҳнати дам  
олиши учун  
қулай экологик  
шароит яратиш

Аҳолининг соғлом  
ва қулай атроф  
табиий муҳитни эга  
бўлиш ҳуқуқини  
таъминлаш

Атроф муҳитни  
асил холига қайта  
олмайдиган  
оқибатларга йўл  
қўймаслик

Экологик ҳуқуқ  
бузарлик учун  
жавобгарликни  
кучайтириш

Жамоат  
ташкilotлари ва  
аҳоли билан яқин  
алоқаларни  
ўрнатиш

Ўзини ўзи назорат қилиш учун савол ва топшириқлар:

- 1.«Экспертиза» ибораси нима ва у экологии экспертизануқтаи назаридан қандай мазмунга эга?
- 2.Экологик экспертиза фан ва ўқув предмети сифатида қандай шаклланган?
3. Экологик экспертиза фани нимани ўрганади?
- 4.Экологик экспертизанинг предмети ва объектини таърифланг.
5. Экологик экспертиза муносабатларининг иштирокчилари - буюртмачи, пудратчи, истеъмолчи қандай вазифаларнибажаришини ва улар ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини тушунтиринг.
6. Экологик экспертизанинг асосий илмий тадқққрт методларини айтинг.
- 7.Экологик экспертизанинг бошқа фанлар билан алоқалари ва боғлиқлигини ва уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
8. Экологик экспертиза фанининг мақсади ва вазифаларини таърифланг.